

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Иқтисод» факультети



«Менежмент» кафедраси

2005 йил 26 декабрда
2у-ау-11у-ау-04 гуруҳларида
223-аудиторияда 1-жуфтликда
"Менежмент ва маркетинг асослари" фанидан
«Бошқарув ваколатлари» мавзусида ўтказиладиган

ОЧИҚ ДАРС МАЪРУЗА МАТНИ

Маърузачи:

«Менежмент» кафедраси мудири,
и.ф.н. Р.М.Аҳмедов

Наманган-2005

10-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ВАКОЛАТЛАРИ

Режа:

1. Ваколат ва унинг зарурияти.
2. Бошқарув ваколатларининг турлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари:

Ушбу мавзунини ўрганиб, талаба қуйидагиларни билиб олади:

1. Ваколатнинг моҳиятини.
2. Ваколат ва масъулият нисбатини.
3. Ваколат бериш заруриятини.
4. Бошқарув ваколати турларини.
5. Бошқарув ваколатини бериш йўли билан корхонада бошқарув фаолиятини яхшилашни.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Ваколат.
2. Масъулият.
3. Ваколат чегараси.
4. Марказлашган ваколат.
5. Марказлашмаган ваколат.
6. Фармойишли ваколат.
7. Бир йўналишдаги ваколатлар
8. Функционал ваколатлар.
9. Идоравий ваколатлар.
10. Тавсияли ваколатлар.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. Дарслик. Тошкент. 2001
2. Р.Аҳмедов. Менежмент ва маркетинг асослари. Маърузалар матни. Наманган. 2005


Муаммо: Ташкилот моддий техника базаси кучли. Малакали кадрлар билан етарлича таъминланган, бироқ корхонанинг истиқболдаги режалари талаб даражасида тузилмаган ҳамда корхона фаолияти учун муҳим бўлган қарорлар пухта қабул қилинмаган. Бошқарув жараёни

бошқарув ваколатлари део юритилади.

Ваколат - бу корхона ресурсларидан фойдаланиш ва кишиларни бошқариш бўйича у ёки бу лавозимдаги шахсга чекланган шарт билан берилган ҳуқуқдир.

↳ Эслаб қолинг!


Ваколат – бу вакиллик ҳуқуқи бўлса, масъулият бу бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарликдир.



↳ Эътибор беринг!

Бошқарув ваколоти билан масъулити бир-бири билан ҳамоханг бўлиши керак.

Ваколатнинг ҳам чегараси бўлади. Акс ҳолда ваколат ҳуқуқини олган лавозим эгаси, масъулиятсиз бўлса, мансабига хос бўлмаган қарорларни қабул қилмаслиги керак.



Ишларнинг кўплиги, Раҳбар вақтининг етишмаслиги, муаммоларнинг турли-туманлиги туфайли, уларни бажариш малакали шахслар қарорларининг зарурлиги кабилар лавозимли шахсларга ваколат бериш заруриятини туғдиради.



Бошқариш тизимида ваколатли тақсимлаш ҳар доим ҳам бир хилда бўлавермайди. Улар у ёки бу сабабларга биноан бошқаришнинг ё юқори бўғинида ёки қуйи бўғинида тўпланиши мумкин. Шунга қараб ваколатлар:

- ✚ Марказлашган
- ✚ Марказлашмаган


ВАКОЛАТЛАРНИНГ БЎЛИНИШИ



Бунда ваколатлар асосан
бошқарувнинг юқори
бўғинида марказлашган

Бунда ваколатлар
асосан бошқарувнинг
қуйи бўғинида

Ваколатларни тақсимлаш усуллариға ҳам катта эътибор берилади.



Бошлиқ назоратни ўз
зиммасида қолдирган

ҳолда ваколатларни қўл

Бошлиқ ваколатларни бера
туриб, бир вақтнинг ўзида
ваколатларни ўзида

Бошқариш жараёнидаги функцияларнинг турли-туман-лиги, муҳим ва номуҳимлиги ваколатларнинг ҳам шуларга мос равишда турлича бўлишини тақозо этади.


Бошқарув ваколатларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ✚ Фармойишли ваколат
- ✚ Идоравий ваколатлар

Фармойишли ваколатнинг моҳияти шундан иборатки, бу ваколатга эга бўлган шахс кимга тааллуқли бўлса, ўшаларнинг ижро этиши учун зарур бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақлидир. Бу ваколатлар икки турга бўлинади:

Чизиқли ваколатлар, ваколат турларининг энг асосийси бўлиб, ташкилотларнинг иерархик тузилишининг пайдо бўлиши биланоқ вужудга келган. У якка ҳокимлик тарзда раҳбарлик қилишга, яъни қонун доирасида:

- ✚ буйруқ ва фармойишлар беришга;
- ✚ барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга асосланган.



♣ Эътибор беринг!

Ваколат беришни хуш кўрмаслик сабаблари:

1. «Мен бунӣ яхшироқ бажараман» деган янглиш фикрга бориш.
2. Бўйсунувчиларга ишонмаслик.
3. Таваккалчиликдан кўрқиш.
4. Раҳбарлик қилиш қобилиятига нисбатан гумонсираш.
5. Раҳбариятни кутилиши мумкин бўлган хавфдан огоҳ қилиш учун танлама назоратнинг йўқлиги.

Бўйсунувчиларнинг ваколатни қабул қилмаслик сабаблари:

1. Бўйсунувчи муаммони ўзи ечишдан кўра уни ҳал қилиш йўлини раҳбардан сўраб олишни афзал кўради.
2. Бўйсунувчи йўл қўйган хатоси учун танқидга учрашдан кўркади.
3. Берилаётган топшириқни муваффақиятли бажариш учун бўйсунувчи ихтиёрида зарурий ресурслар ва ахборотлар бўлмади.

4. Бўйсинувчи зиммасига юклатилган иш у бажариши лозим бўлган иш кўлаמידан ҳам кўп, ёки у айнан шундоқ деб ҳисоблайди.
5. Бўйсинувчининг ўзига нисбатан ишонч йўқ.
6. Бўйсинувчига топширилаётган кўшимча ваколат ёки масъулият кўшимча рағбатлантирилмайди.

Хулоса. *Ваколат бериши билан раҳбар ўзини иккинчи даражали ишлардан озод этиб, корхонанинг истиқболдаги режаларини мукаммал ишлаб чиқариши ҳамда корхона фаолияти учун муҳим бўлган қарорларни қабул қилиши билан шугулланади. Иккинчи томондан эса қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш жойини яқинлаштиради. Натижада бошқарув жараёни бир маромда амалга оширилиши таъминланади.*

Мавзуни мутахкамлаш учун савол ва тестлар

Саволлар:

1. Бошқарув ваколатлари деганда нимани тушунасиш?
2. Ваколат ва масъулият бир хил тушунчаларми?
3. Ваколатнинг чегараси бўладими?
4. Ваколат бериш зарурияти нимада?
5. Марказлашган ва марказлашмаган ваколатлар тўғрисида нималар дея оласиз?
6. Раҳбарлар ҳар доим ҳам ваколат беришни хуш кўрадиларми?
7. Бошқарув ваколатлари қачай турларга бўлинади?
8. Фармойишли ваколатнинг моҳияти нимада?
9. Идоравий ваколатлар деганда нимани тушунасиш?
10. Идоравий ваколатлар қандай кўринишларда бўлади?

Тестлар

Ваколат — бу:

- ☐ а) вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ишонч қоғози, тилхат;
- ☐ б) бирор давлат томонидан ўзгв ерда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса;
- ☐ в) ваколоти бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган субъект кабилар;
- ☐ г) бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва шу кабилар номидан иш килиш учун берилган ҳуқуқ вакиллик ҳуқуқи;
- ☐ д) нотўғри жавоб йўқ

Қуйида кайд килинган ваколатларнинг қайси бири фармойишли ваколат турига киради:

- ☐ а) тавсияли ваколатлар;
- ☐ б) бир йуналишдаги ваколатлар;
- ☐ в) мувофиқлаштирувчи ваколатлар;
- ☐ г) ҳисоб ва назорат килиш бўйича ваколатлар;
- ☐ д) мурсага келтирувчи ваколатлар.

Қуйида кайд килинган ваколатларнинг қайси бири идоравий ваколатлар турига киради:

- ☐ а) бир йуналишдаги ваколатлар;
- ☐ б) функционал ваколатлар;
- ☐ в) тавсияли ваколатлар;
- ☐ г) мурсага келтирувчи ваколатлар;
- ☐ д) в ва г

Чизиқли ваколатлар:

- ☐ а) ташкилотларнинг иерархик тузилишининг пайдо бўлиши биланок вужудга келган бўлиб, у яқка ҳокимлик тарзда раҳбарлик килишга асосланади;
- ☐ б) одатда билвосита алоқалар шароитида амалга оширилиб, улар маълум доирада чекланган бўлади;
- ☐ в) фақат тавсия харақтерига эга бўлади;
- ☐ г) даъват этувчи ваколатлардир;
- ☐ д) ҳамкорликда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул килиш билан боглик ваколатлардир.

Функционал ваколатлар:

- ☐ а) даъват этувчи ваколатлардир;
- ☐ б) тавсия характериға эға буладилар;
- ☐ в) одатда билвосита алокалар шароитида амалға оширилиб, улар маълум доирада чекланган булади;
- ☐ г) ҳамкорликда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ. ваколатлардир;
- ☐ д) нотугри жавоб йук..

Қуйида қайд қилинган қайси бир аппарат хизматларни орқали идоравий ваколатлар амалға оширилади:

- ☐ а) маслаҳат берувчи аппарат;
- ☐ б) хизмат қилувчи аппарат;
- ☐ в) шахсий аппарат;
- ☐ г) а, б, в;
- ☐ д) а ва б.

Хизмат қилувчи аппарат:

- ☐ а) раҳбариятта уз ваколати доирасида хизмат қилади. Бунга кадрлар булими мисол була олади;
- ☐ б) уз билим соҳалари бўйича қизикли, раҳбарга маслаҳатлар беради;
- ☐ в) раҳбар нимани талаб қилса, ушани бажаради;
- ☐ г) б ва в;
- ☐ д) нотугри жавоб йук

